

«Абу Сахий» жомеъ масжидига янги имом-хатиб тайинланди



14:30 / 20.01.2023 3157

Бугун, 20 январь куни Тошкент шаҳри Чилонзор тумани “Абу Сахий” жомеъ масжиди янги имом-хатиб намозхонларга таништирилди. Ушбу маросимда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Жалолиддин домла Ҳамроқулов Тошкент шаҳридаги “Бўта бува” жомеъ масжиди имом-хатиби Зиёвуддин домла Мирсодиқов “Абу Сахий” жомеъ масжиди имом-хатиби вазифасига тайинланганини маълум қилди.

Жалолиддин домла Ҳамроқулов Зиёвуддин домлага келгуси фаолиятларида куч-ғайрат ва катта муваффақиятлар тилади.

Масжид жамоаси томонидан янги имом-хатиб илиқ кутиб олинди.

Маълумот ўрнида, Зиёвуддин домла Мирсодиқов кўп йиллардан буён диний соҳада фаолият олиб боради. У Тошкент вилоятидаги “Турсунмат қори”, “Эски Тошкент”, Андижон вилоятидаги “Жиддаи Муборак”, Тошкент шаҳридаги “Юнусобод-Оқ тепа” каби жомеъ масжидларда имом-хатиб вазифаларида ишлаган. Шунингдек, “Саййид Муҳйиддин Махдум” ва “Кўкалдош” мадрасалари мудири вазифаларида меҳнат қилган. Айни пайтда Зиёвуддин домла Мирсодиқов “Вақф” хайрия жамоат фонди раиси вазифасини бажарувчиси бўлиб ҳам фаолият юритмоқда.

“Абу Сахий” жомеъ масжидининг аввалги имом-хатиби Абдуқаҳҳор домла Юнусов Тошкент шаҳар бош имом-хатиби вазифасини бажарувчи ва “Минор” жомеъ масжиди имом-хатиби вазифаларига тайинланган эди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси